2010 йил 22 декабрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 244 (11.805)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Келажак овози-2010»

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР КЎРИГИ

**«Келажак овози-2010» кўрик-танловининг якуний босқичи бошланди.**



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Ёшлар ижод саройида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 213 йигит-қиз ўз иқтидори ва салоҳиятини намойиш этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг эзгу ғоя ва ташаббусларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг пухта тизими яратилган. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги фармон ва қарорлари, қабул қилинган давлат дастурлари ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг йирик лойиҳаларидан бири – «Келажак овози» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танлови салоҳиятли ўғил-қизларни рағбатлантириш, янги илмий изланишлар ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш имконини бермоқда.

Ушбу танловда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафининг йил сайин кенгайиб бораётгани унга бўлган қизиқишнинг тобора ортаётганидан дарак беради. Жумладан, 2009 йилда мазкур ижодий беллашувда 63 минг нафардан ортиқ йигит-қиз ўз лойиҳа ва илмий ишланмаси билан иштирок этган бўлса, жорий йилда улар сони 71 минг нафардан ортди. Ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган иштирокчиларни қамраб олган мазкур кўрик-танловда илмий-ижодий ишлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика каби номинациялар бўйича сараланади.

– Мазкур танловга рационализаторлик таклифлар йўналиши бўйича ғўзани яганалаш қурилмасига оид лойиҳамни тақдим этдим, – дейди ЎзА мухбирига талаба Аҳмаджон Жумаев. – Ушбу қурилма иқтисодий самарадорлиги, иш унумдорлигини ошириши, қўл меҳнатини енгиллатиши билан аҳамиятлидир. Бундай кўрик-танловлар ўз илмий лойиҳаларимизни мутахассис ва экспертлар назаридан ўтказиш, уларнинг маслаҳат ва ёрдамидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Пойтахтимизда бир ҳафта давом этадиган мазкур кўрик-танлов доирасида таниқли олимлар, тадқиқотчилар, экспертлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият намояндалари иштирокида маҳорат сабоқлари, илмий анжуманлар, давра суҳбатлари, семинарлар, инновацион лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтади. Турли маданий-маърифий тадбирлар, концерт ва кўргазмалар, ижодий учрашувлар, пойтахтимиздаги тарихий ёдгорликлар, маданият ва маърифат масканлари, театрлар, музейлар, тасвирий санъат галереяларига экскурсиялар ташкил этилади.

**Назокат УСМОНОВА**

## ТАДБИРКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЙМОҚДА

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг Кичик ва ўрта бизнес корпорацияси (SBC) делегацияси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган бизнес-семинарда иштирок этди.**

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити хорижий тадбиркорларнинг мамлакатимизда самарали фаолият юритишига ёрдам бермоқда, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги савдо шериклари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Икки давлат ўртасида ҳар томонлама қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес корпорацияси ўртасида шартнома имзолаш доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг ўзаро инвестицион ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилди.

– Корпорациямиз 30 йилдан буён фаолият кўрсатаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаб келмоқда, – дейди Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес корпорациясининг халқаро алоқалар департаменти бош менежери Жанг Бае Пак. – Мамлакатимиз юқори ўсиш суръатларини намоён этаётган Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Бугун биз иқтисодий соҳада икки томонлама алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Президент Ислом Каримов томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган янги йилда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб, ҳамкорлигимизни янада юқори даражага кўтаришга эришамиз, деб ўйлайман.

Семинарда юртимиз тадбиркорлари SBC фаолияти, Корея Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг бугунги аҳволи ҳамда истиқболлари, шунингдек, Корея компаниялари билан ҳамкорликда бизнес юритишнинг афзалликлари билан таништирилди.

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш, уларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш ва мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.**

## АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Тошкентда ўтган бешинчи қурултойида соҳа ходимларининг бу борадаги вазифалари атрофлича муҳокама этилди ва мазкур жамоат ташкилотининг 2006-2010 йиллар давомидаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Н.Аллаёров, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси С.Ниетуллаев, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Ҳаитов, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Аҳророва, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг «Қолмақир» кони экскаваторчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони С.Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларда қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, замон талаблари даражасидаги меҳнат шарт-шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг муҳим ўрни бор. Федерация томонидан ўтган вақт мобайнида меҳнаткашлар, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқаролар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, касаначиликни янада ривожлантириш йўналишларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бирга, меҳнат ҳуқуқига оид қонунлар ва меҳнат шароити устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий билимини юксалтириш, қурилиш, савдо, қишлоқ хўжалиги, умумий овқатланиш каби соҳаларда касаба уюшмалари фаолиятини давр талаби асосида ташкил этиш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш, касаначиликни янада ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга оид ишларни янада кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Қурултойда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси Танзила Норбоева Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ШАЙХОНТОҲУР** тумани хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Ёш оила мактаби» тингловчилари учун семинар ўтказилди.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида волейбол бўйича мусобақа ташкил этилди.

✓ **292-МАКТАБГАЧА** таълим муассасасида «Баркамол авлод — миллат таянчи» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокама қилинди.**

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятидаги ижросини назорат-таҳлил асосида кўриб чиқди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида театр санъати ҳафталиги ўтказилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан Қўқон шаҳридаги марказий туғруқхонага қуёш нуридан электр энергияси ишлаб чиқарадиган ускуна туҳфа этилди. Натижада мажмуада электр энергияси таъминоти яхшиланди.**

**● Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуасида «Наманган маҳсулотлари — 2010» ярмаркаси бўлиб ўтди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилган ярмарка давомида вилоятдаги улгуржи ва чакана савдо корхоналари томонидан маҳсулот сотиб олиш юзасидан 732,2 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.**

**● Самарқандда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» шахмат тахтаси» республика очиқ турнири ўтказилди. Мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 14-16, 17-18 ёшли ўғил ҳамда қизлардан иборат жамоалар беллашди.**

**● Наманган шаҳридаги ахборот-ресурс марказида «Йилнинг энг яхши ўлкашунос-библиографи» республика кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.**

**● Шофиркон тумани марказида 250 дан зиёд савдо ўрнига эга замонавий деҳқон бозори фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати салкам 800 миллион сўмлик мазкур мажмуада харидор ва сотувчилар учун барча қулайликлар яратилган.**

**● Ромитан туманидаги Боғитуркон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Баркаев Ўктам» хусусий шифохонаси иш бошлади. Бунинг учун собиқ ширкат хўжалиги биноси банкдан олинган 50 миллион сўмлик кредит эвазига таъмирланиб, 70 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Айни пайтда 40 ўринли хусусий шифохонада асаб, юрак-қон томир хасталикларига чалинган беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Франция ва Германия Руминия ҳамда Болгариянинг жорий йилнинг март ойида режалаштирилаётган Шенген ҳудудига киритилишига қарши чиқмоқдалар. Улар ушбу мамлакатларнинг ҳали бунга тайёр эмасликларини таъкидладилар.**

**● Бугун Италиянинг бир нечта шаҳрида таълим тизимининг ислоҳ қилинишига қарши олий ўқув юртлари талабалари ва мактаблар ўқувчиларининг норозилик намойишлари бўлиб ўтди.**

**● Кот д' Ивуарнинг амалдаги президенти тарафдорлари мамлакатга киритилган БМТ тинчликпарвар кучлари билан ҳамкорлик қилишдан бош тортишди.**

**● Греция пойтахти Афина шаҳрида транспорт соҳаси ходимларининг 24 соатлик иш ташлаши бўлиб ўтмоқда.**

**● АҚШ Конгресси Сенати стратегик ҳужум қуроллари юзасидан шартнома бўйича дебатларни якунлади.**

**● Венесуэланинг шимоли-шарқида рўй берган йирик йўл-транспорт ҳалокати натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмди.**

**● Гаитидаги вабо эпидемияси қурбонлари сони 2,4 минг кишига етди.**

**● 1977 йилда фазога учирилган «Вояжер-1» космик аппарати Қуёш тизимининг ташқи чегараларигача етиб борди. Айтиш кераккки, «Вояжер-1» ҳозиргача 17,4 миллиард километр масофани босиб ўтган ва айни пайтда «гелиоқалқон» деб номланувчи ҳудудга етган. Тахминларга кўра, соатига 61,2 минг километр тезликда ҳаракатланаётган космик кема бу ҳудудни ҳам босиб ўтиб, 2014 йилда Қуёш тизимини тарк этиши керак.**

# ТАДБИРКОР



**Яратилган кенг имкониятлар боис ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида рақобатбардош маҳсулотларни харидорларга манзур қилиш баробарида қўшимча иш ўринлари ташкил этаётган тадбиркорларимиз сафи кун сайин ортиб, иқтисодиётимиз ривожидаги улуши ҳам салмоқли бўлмоқда.**

Ислоҳотлар оқимида

## ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА

Пировардида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳамкорлар кенгайиб, экспорт ҳажми ҳам ошиб бормоқда.

«Турон-Гарментс» масъулияти чекланган жамиятининг шундай изланишларини алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллий хом ашё ҳамда юксак унумли дастгоҳлардан фойдаланиш муваффақиятларга асос бўлаяпти. Корхонада ишлаб чиқарилаётган тайёр трикотаж маҳсулотлари сифати билан хорижий буюртмачиларни жалб этмоқда. Айни пайтда маҳсулот асосан Қозоғистонга сотилаётган бўлса, харидор давлатлар сафини ошириш учун саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

— Маҳсулот сифатини ошириш мақсадида Япония ва Германиядан замонавий ускуналар келтирганмиз, — дейди корхона директори Туроб Каримов. — Илк фаолиятимизни 20 нафар ишчи билан бошлаган бўлсак, ўтган қисқа давр мобайнида 50 нафар ёшларни иш билан таъминлашга муваффақ бўлдик. Буюртмачилар сафини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш учун маркетинг ишларига алоҳида эътибор берилади. Бу борада дизайнерларимиз маҳорати айниқса қўл келмоқда. Албатта, харидор диди юксалиб бораётган бугунги кунда янги модель яратиш, сифатни доимий назорат қилиш, халқаро андозаларга мос маҳсулотлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Режалар хусусида тўхталиш жоиз бўлса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш кўзда тутилган. 100 фоиз пахтадан тайёрланган маҳсулотларга чет эллик харидорларни жалб этган ҳолда экспортни янада кўпайтириш ва иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш ниятидамиз.

**Дилноза СОДИҚОВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

Дил изҳорлари

## БАРЧАМИЗНИ РУҲЛАНТИРДИ

**Маҳмадмурод ТУЛАКОВ, «Race Horse Saman» хусусий фирмаси директори:**

— Тадбиркорлик фаолиятимни бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Биз учун яратилаётган имкониятлар мақсадимни амалга оширишга, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ички бозорда ўз ўрнимни эгаллашга асос бўлди.

Президентимиз Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кириб келаётган 2011 йилни Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилганлиги барча тадбиркорлар қатори мени ҳам руҳлантириб юборди. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз».

Ҳақиқатан ҳам юксак эътибор боис тадбиркорлар сафи кенгайиб, уларнинг иқтисодиётимиз ривожидаги улуши ортиб бормоқда, турмуш фаровонлигини юксалтиришда ҳиссаси ҳам салмоқли бўлмоқда.

Бизнинг фирма ҳам шундай тадбиркор жамоалар сирасидан бўлишни мақсад қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, бозорни ўрганиш асосида рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга саъй-ҳаракат қилмоқда.

Албатта, бу борада молиявий кўмакдан самарали фойдаланаяпмиз. «Алоқабанк» билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, 70 миллион сўм кредит олдик. Шу асосда цехлар замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланди. Яқин кунларда яна бир янги дастгоҳ келтиришни режалаб турибмиз. Унинг ишга туширилиши ишлаб чиқарилаётган пойабзал турларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади ва ният қиламизки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилидаги муваффақиятларимизни таъминлайди.

## РИВОЖЛАНИШДА МУҲИМ ОМИЛ

**Акмал АКБАРОВ, «Tadbir» масъулияти чекланган жамияти директори:**

— Юртбошимиз томонидан 2011 йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши биз, тадбиркорларга билдирилган катта ишонч, улкан рағбат, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Шу билан бирга зиммамизга ҳар қачонгидан ҳам катта масъулият юклайди. Ишончни эса ўз ташаббусимиз, изланиш-интилишимиз, ҳалол меҳнатимиз, соҳа ривожи йўлидаги муваффақиятларимиз билан оқлаб, иқтисодиётимиз равнақига, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Мустақиллик йилларида тадбиркорликка кенг йўл очилиб, қулай муҳит яратилди. Президентимизнинг тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш борасидаги қатор фармон ва қарорлари ижроси ўлароқ сафларимиз ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчи, юртимизни тараққиёт йўлидан ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётганини таъкидлаб ўтганларида, ҳар биримизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилди десам, адашмайман. 2011 йил бизнинг йилимиз экан, ташаббусимиз ва ютуқларимиз шунга яраша бўлмоғи лозимлигини унутмайлик.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ КЎТАРИНКИ РУҲДА НИШОНЛАНАДИ

**Бунжаку ВАТАНАБЭ (Япония):**

– Юртингизга беш йил аввал келган эдим. Бу вақт ичида Ўзбекистон, хусусан, Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Кўплаб тарихий обидалар ва қадамжолар қайта таъмирланибди. Амир Темур хиёбонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб, ҳайратим ошди. Кўплаб замонавий иншоотлар, жумладан, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи қад ростлабди. Бу гўзал бинонинг маҳобати ҳар қандай кишини лол қолдириши аниқ.

Янги йил байрами мамлакатингизда кўтаринки руҳда ўтиши учун катта тараддуд кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, Мустақиллик майдонида бунёд этилган гўзал манзара менда катта таассурот уйғотди. Бу ерда намойиш этилажак байрам томошалари нафақат кичкинтойларга, балки катталарга ҳам манзур бўлишига ишонаман.

**Хартманн КРЮГЕР (Германия):**

– Мен 2009 йили "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг иштирокчиси сифатида Ер юзининг сайқали – қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрини кўриш бахтига муяссар бўлган эдим. Бу галги ташрифимда эса гўзал пойтахтингизнинг бетакрор тароватидан завқланмоқдаман. Тошкентнинг жаҳонаро шуҳрати тобора юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Кўплаб мамлакатларда бўлганман. Ўзбекистонни дунёнинг барча мамлакатларида яхши билишади. Бу ўринда мен ўзбек заминининг гўзаллиги ва саховатинигина эмас, бугун жамиятда рўй бераётган улкан ўзгаришларни ҳам назарда тутмоқдаман. Жумладан, сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётир. Буни юртингизда қад ростлаган кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, муҳташам иншоотлар, маҳобатли кўприклар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу янгиланишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг ёрқин намоёнидир.

**Агостино ИПЕРТИ (Италия):**

– Янги йил – каттаю кичик, айниқса, болажонлар интиқлик билан кутадиган байрам. Мен ҳар йили янги йилни турли мамлакатларда кутиб олишга одатланганман. Боиси ҳар ерда турлича нишонланадиган ушбу ажойиб байрамнинг саргузаштларга бой ўтишини хоҳлайман. Масалан, Италияда урф-одатларимизга кўра янги йил кириб келадиган кечада барча эски буюмлар кўчага улоқтирилади ва бу орқали одамлар йил давомида қалбларида тўпланган дилхираликларга барҳам берадилар, эски муаммоларни унутадилар. Байрамни кутиб олиш учун бу йил айнан ранг-баранг қадриятларга ва анъаналарга бой Ўзбекистонни танлаб адашмадим, деб ўйлайман.

Тошкентга келишим билан байрам шукуҳининг гувоҳи бўлдим. Меҳмонхоналарда, супермаркетларда, кўча ва майдонларда байрам нафаси уфуриб турибди. Безатилган арчалар, бозор расталаридаги турфа ўйинчоқ ва ранг-баранг совғалар кўзни қувонтиради.

Байрам кунлари чет эллик меҳмонларнинг, сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун юртингизда барча шароит муҳайё. Бу заминда ҳар бир байрам қизиқарли ва мароқли ўтишига ишонаман.

**Ашока СИНГХ (Ҳиндистон):**

– Инсоният бунёдкорлиги, юксак ақлу заковати, тафаккури тимсоли бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарларга бой Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман. Уни ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб, бу ерга келишни ният қилган эдим ва бунга эришганимдан мамнунман. Қадимий шаҳарларингиз, ҳақиқатан ҳам, кишини ҳайратга солишига амин бўлдим.

Тошкентнинг бетакрор тарихий обидалари ва муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиб, руҳим кўтарилади. Пойтахтингизда, айниқса, Мустақиллик майдонида амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ишларини ҳайрат билан томоша қилдим. Ушбу муаззам майдондаги ғоят дид билан безатилган улкан арча эътиборимни тортди. Янги йил арафасида бу ерда болакайларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, ўйнаб-кулиши учун катта тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдим. Мен 2011 йилни Тошкентда кутиб олишни ният қилганман. Янги йил кечаси мен учун эртаклардагидек ўтишига ва бир умр ёдимда қолишига ишонаман.

**ЎзА мухбири**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди**

Ҳунари гўзаллар

## ОРЗУЛАРИ ҲАМРОҲИ

**Момомерос попоп каштачилигини эъзозлаб, элга танилаётган, миллий қадриятларимиз рамзи бўлган халқ амалий ҳунармандчилиги ютуқларини дунё миқёсига олиб чиқаётган иқтидорли ёшларимиз кўпчиликни ташкил этади.**

Эътиборлиси, улар мамлакатимизда ҳунармандчилик ривожига қаратилган катта эътибордан руҳланган ҳолда янги-янги бетакрор маҳсулотлар яратмоқда, аждодларга муносиб ворис бўлиш ниятида тер тўкиб, изланишлар олиб боряпти.

Шундай интилиш ва изланишлар самарасидан баҳраманд бўлаётган каштачи Дилдора Авезова ёш бўлишига қарамай, муваффақиятларга ўз меҳнати билан эришмоқда. Дилдора попоп каштачилигининг унутилган қадимий нусхаларини тиклаб, уларни ижодий ривожлантиришга муваффақ бўлди. У яратган бир-биридан сержило аёллар ва болалар кийим-кечаклари, рўзғор буюмлари, бошқа маҳсулотлардаги нафислик, гул ва нақшлар кўркамлиги, албатта, маҳоратдан даракдир.

Дилдора интилганга толе ёр нақлига амал қилади. Ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлардан, берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда дадил одимлар билан ўз маҳоратини намойиш этмоқда. Шу боис бўлса керак, унинг ютуқлари салмоғи ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Дилдоранинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ўтказилган кўрик-танловлардан кўп марта совриндор бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Шунингдек, Ёшлар йилида Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг ёш тадбиркор» номинациясида ғолибликни қўлга киритган. Хитойда ўтказилган мода ҳафталигида ҳам эътирофга сазовор бўлган.

— Ўз маҳсулотларимда миллий қадриятларимиз акс этишини, шарқона анъаналаримиз уфуриб туришини ният қиламан, — дейди Дилдора. — Бунга эришиш мақсадида ҳунар сирларини устозларимдан эринмай ўрганаман, тарихимизни чуқур билишга интиламан. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, билим чўққиларини, касб-ҳунар сирларини ўрганиши, етук мутахассис бўлиб етишишига қаратилган эътибор, Президентимизнинг бу борадаги ғамхўрликлари мени руҳлантиради, янги изланишларга ундайди.

Мақсадлари йўлида дадил интилаётган Дилдора Авезова «Тадбиркор аёл» уюшмаси қошидаги ўқув марказида меҳнат қилиб, ёшларга ҳам ҳунар сирларини ўргатмоқда. Янги либослар устида ҳам изланишларини давом эттирмоқда. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда маҳсулот турларини янада кўпайтириш, миллий ҳунармандчиликнинг попоп каштачилиги ривожига муҳим ҳисса қўшиш, тадбиркорлик асосида ўз бизнесини ташкил этиб, ёшларга иш ўринлари яратиш Дилдоранинг эзгу мақсадлари сирасига киради.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**Мамлакатимиз Президенти томонидан келгуси йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинди. Яхши маълумки, иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатларда айнан шу соҳа асосий яратувчилик манбаига айланиб бормоқда.**

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## КИЧИК САРМОЯДАН ЮКСАК НАТИЖА

Бугунги кунда кичик ва хусусий бизнеснинг республикамиз ялпи ички маҳсулотида йил сайин салмоғи ортиб бораётганида «Микрокредитбанк»нинг ўрни алоҳидадир.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида фаолиятини бошлаган «Микрокредитбанк» томонидан ҳозирга қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 323 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилган. Кичик бизнес йўналишидаги корхоналарни янги, замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминлаш учун 84 миллиард сўм ҳажмда микролизинг хизмати ҳам кўрсатилди. Бундай молиявий кўмак ҳисобидан шу жумладан 351 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Микросармояга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ҳозирда Тошкент шаҳар амалиёт бошқармаси ва еттита мини-банк аҳолига самарали хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 11 ойи давомида пойтахт тадбиркорларига 2,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди ва қарийб 1,5 миллиард сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилди.

– Ички бозорда полиэтилен қопларга бўлган талабни ўрганган ҳолда анчадан буён қаровсиз бўлган бинони таъмирлаб, беш нафар ишчи билан корхона ташкил қилдик, — дейди «Мезон пласт» МЧЖ раҳбари Отабек Аҳмаджонов. — Хориждан тўқув дастгоҳлари келтирдик. Бунда «Микрокредитбанк»нинг 55,7 миллион сўмлик лизинг хизмати жуда қўл келди. Қисқа фурсатда маҳсулотимизга бўлган талаб кўпайиши боис ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, ишчилар сонини ўн беш нафарга етказдик.

Банк хотин-қизлар фаоллигини ошириш, оиладан, фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда иш билан таъминланишига кўмаклашмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси, Тадбиркор аёллар уюшмаси ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда пойтахтда ҳам мунтазам равишда семинарлар ўтказиб келинмоқда. Қизғин мулоқот тарзидаги ушбу ўқув жараёнларида бир гуруҳ аёл тадбиркорларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун 808 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилди.

— Уч йил аввал оиламга даромад келтириш мақсадида тикувчилик билан шуғуллана бошладим, — дейди «Бегойим мода» хусусий корхонаси раҳбари Нодира Мунаварова. — Шу орада янги ташкил этилган «Микрокредитбанк» томонидан тадбиркорларга ниҳоятда кам фоизли кредитлар берилаётганини билиб, банкка мурожаат қилдим. Тез орада бизнес режам ўрганиб чиқилиб, 14 миллион сўм кредит ажратилди. Корхонамизда турли бичимдаги аёллар ва болалар либослари тикиш йўлга қўйилган. Касаначилик асосида 20 нафар аёл иш билан таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, ниҳоялаб бораётган Баркамол авлод йилида банк томонидан самарали лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари замонавий билим ва кўникмаларини амалда, тадбиркорлик борасида жорий этиши учун кенг шароитлар яратилди. Бу борада «Микрокредитбанк» ОАТБ ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди. Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларини битириб чиққан ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш мақсадида республикамиз минтақалари, шу жумладан Тошкент шаҳрида «Баркамол авлод — келажак пойдевори» лойиҳа бўйича тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, бўлғуси тадбиркорларга шу кунгача 3,7 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли сармоялар ажратилди.

Куни кеча «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» бизнес лойиҳаси доирасидаги танловнинг республика босқичи натижалари эълон қилинди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва замонавий хизматлар кўрсатиш йўлида собитқадамлик билан фаолият юритаётган «Микрокредитбанк» Марказий Осиё ва Европадаги микрокредит берувчи жаҳоннинг энг яхши 100 та молиявий институти сафидан ўрин олиб, бешта олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди. Дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтинг компаниялари томонидан «Микрокредитбанк» молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажариб келаётгани учун бир неча бор «барқарор» баҳосига сазовор бўлган. Жорий йилда эса Осиё банклари уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Яқинда Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида дунёнинг бир юз қирқдан ортиқ етакчи банклари вакиллари иштирокида ўтказилган «Bank of The Year Awards-2010» тақдимот маросимида «Financial Times Limited» компанияси томонидан «Микрокредитбанк» ОАТБ Ўзбекистоннинг энг яхши банки номинацияси бўйича ғолиб деб эълон қилинди ва махсус сертификат билан тақдирланди.

Президентимиз давлатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, «...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт». Бинобарин, ҳар қандай бунёдкорлик замирида моддий асослар турар экан, бу борада «Микрокредитбанк» сармоялари ҳар доим кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Алишер АЗИМОВ**

**260-мактабда «Фанларни ўқитиш жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА — ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари туркумига кирувчи фанлар доирасида илғор педагогик ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари, дарсларда қўлланиладиган замонавий услублар хусусида тўхталинди.

Семинарда иштирок этган 140 нафардан зиёд фан ўқитувчилари иш тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Айтиш жоизки, мактабларда таълим стандартларини янада такомиллаштириш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари янгидан таҳрир қилиниб, ўқув дастурлари ҳам такомиллашиб бормоқда. Семинарда кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Семинар доирасида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Миллий университети ва Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликда пойтахтимиз мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар орасидан энг билимдон, иқтидорли, изланувчан ёшларни аниқлаш мақсадида ўтказиб келинаётган «Маънавий баркамоллик ўқувчилар тасаввурида» кўрик-танлови натижалари эълон қилинди.

Танлов шартлари бўйича ўқувчилар Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридан мавзу танлаб, ижодий иш тақдим этиши лозим эди. Университет профессор-ўқитувчилари томонидан ёшлар ижодига холисона баҳо берилди.

«Туркистон-пресс» хабар беришича, 46, 91, 303, 69-мактаб ўқувчилари Ҳурзода Назарова, Шаҳзод Набиев, Нилуфар Аъзамова ва Ислом Қурбонов «Иқтидор соҳиби», 40, 229-мактаб ўқувчилари Мадина Рихситиллаева ва Аҳлиддин Пўлатов «Нотиқлик санъати» номинациялари бўйича совриндор бўлишди.

**Азима ҚИЁСОВА**





**«Art-Fact» галереясида фотомактаб тингловчилари ижодидан кўргазма ташкил этилди.**

**Кўргазмалар**

## МАҲОРАТ МАКТАБИ САБОҚЛАРИ

Бу педагог Александр Борисов шогирдларининг дастлабки ижод намуналари бўлиб, асосан портретлар, мавҳум сюжетлар, рекламага оид мавзуларга бағишланган.

Мухлисларда айниқса Диана Кафар, Галина Травик, Эльмия Мекумерова, Диана Нигматова, Андрей Рашупкин, Павел Бачурин, Жамила Мамадмуродоваларнинг ишлари катта таассурот қолдирди.

— Биринчи навбатда рангтасвир асослари — композиция, шакл ва мазмун, сюжетга муҳим эътибор қаратаман, — фикрлари билан ўртоқлашади Александр Борисов. — Ёшларга ҳам борлиққа фақат объектив орқали қарамасдан, атроф-муҳитни, гўзалликни ҳис этиш устида доимий ишлашни, ҳамкасбларидан ўрганишни тавсия этаман.

«Art-Fact» галереяси раҳбари Шаҳноза Каримбобоеванинг таъкидлашича, тез орада бошқа педагогларнинг ҳам шогирдлари маҳорат мактабидан олган сабоқларини намойиш этади.

**И.ДИЛШОДОВ**

**Алексей Попов олган суратлар**

**Олий ўқув юртларида**

## ЖАҲОН КЛАССИКАСИ ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ИЖРОСИДА

**Романтизм мактабининг йирик намояндаларидан Роберт Шуманнинг 200 йиллик таваллуди дунё мусиқа аҳли томонидан кенг нишонланмоқда. Композитор ижодига бағишланган 80 га яқин тадбирлар она ватани Цвиккауда бир ҳафта давомида бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон давлат консерваториясида Роберт Шуман таваллудига бағишланган қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, орган залида консерватория қошидаги мусиқали театр-студия хори томонидан Шуман мессаси юқори даражада ижро этилди. Халқаро танловлар совриндорлари Асмик Арутунянц (сопрано), Надия Асадулина (виолончель), Руслан Волков (фортепиано), Иннокентий Тиора (гобой) ва Саидмурод Муродов бошчилигида жаз квартети композиторнинг вокал ва камер асарларини ҳавола этди.

Истеъдодли пианиночи, халқаро танловлар совриндори Барно Аҳмеджанова ҳам ўзининг яккахон концерт дастурида буюк немис бастакорининг «Фантазия», «Гуллар», «Арабеска» асарлари, бир қатор симфоник этюдларини маҳорат билан ижро этиб, тингловчилар қалбидан чуқур ўрин эгаллади десак, муболаға бўлмайди.

**Дилноза АСАНОВА, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси**

## МУСАВВИРНИНГ ЧЕКСИЗ ЭҲТИРОМИ

**Фотосуратлар уйида кино ва театр рассоми, рангтасвир устаси Александр Батиков ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди.**

Мамлакатимизда миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ўз ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароит ва имкониятни яратиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишини ташкил этади.

Кино ва театр рассоми, рангтасвирчи Александр Батиковнинг ёшлиги юртимизда кечди, шу ерда таълим олди, ўз истеъдодини намоён этди. У кўплаб кинофильмларда, Ўзбекистон ёшлар театри ва Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида саҳналаштирилган спектаклларда саҳна безаклари ва декорацияларни яратган.

Мазкур кўргазмада мусаввирнинг она-юртимизнинг бетакрор табиати, меҳнаткаш ва самимий инсонлар ҳаёти акс эттирилган асарлари, спектакллар учун ишланган эскизлари намойиш этилмоқда. Буларнинг барчасида ижодкорнинг ўзини вояга етказган эл-юртига бўлган самимий эҳтироми ифодаланган.

**(ЎзА)**

**Тақдимот**

## ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАЛАР

**Пойтахтимизда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан таъсис этилган «Ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» грант дастури, «Фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш» дастури ҳамда «Ижтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари» хайрия акцияси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирда тегишли вазирлик, идоралар ва жамоат ташкилотлари, банк-молия муассасалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур йўналишда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлар аҳолининг турли қатламлари, айниқса, болалар, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва билимини бойитишда, янги иш ўринлари яратишда муҳим бўғинга айланмоқда.

Фонднинг «Ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» грант дастури ижтимоий аҳамиятга эга долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган. Мазкур дастур доирасида соғлиқни сақлаш, маънавият, экология, ижтимоий инфратузилма, таълим ва бошқа ижтимоий соҳаларга оид энг яхши 42 лойиҳа танлаб олинди.

«Фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш» дастури фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳунармандчилик устахоналари ва кичик цехлар ташкил этиш, аёлларни иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш имконини беради.

Қуёш ва шамол энергияси асосида ишловчи фермер хўжаликлари ҳамда бошқа кичик ижтимоий объектларда модул тизимларни ўрнатиш орқали қайта ишланган энергия манбаларидан фойдаланишни кенг жорий этиш мақсадида ўтказилган «Ижтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари» хайрия акцияси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур лойиҳа юртимизнинг чекка ҳудудларидаги фермер хўжаликлари ва ижтимоий аҳамиятга молик муассасаларни муқобил энергия билан таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Ғолибларга сертификатлар топширилди.

## ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш, ёш иқтидор соҳибаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар кўлами Баркамол авлод йилида янада кенгайди.**

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларидан бир гуруҳининг шеърий ва насрий тўпламлари китоб ҳолида чоп этилгани бунинг яна бир далилидир.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида мазкур китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда адабиётшунослар, шоира ва адибалар, ёш ижодкорлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маърупова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилгани ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йилда таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти илм-фан, таълим, адабиёт, санъат ва маданият, спорт каби соҳаларда барчага ибрат бўлаётган иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш имконини бераётир. Мазкур юксак мукофотга лойиқ топилган қизларнинг аксарияти бугун ўз йўналиши бўйича олий таълим даргоҳларида билим олмоқда, юртимиз ҳаётининг кўплаб соҳаларида самарали меҳнат қилмоқда.

– Юртимиз ёшларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳар бир тенгдошимнинг ҳаёти ва фаолиятида ўз ифодасини топаётир, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси Қумар Бегниёзова. – Қишлоқ ҳаёти ва ёшлари ҳақида ҳикоя қилувчи туркум ҳикояларим китоб ҳолида чоп этилганидан мамнунман. Бундай эътибор биз, ёшларни янада фаол бўлишга ундайди.

**(ЎзА)**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 26.08.2010 йилдаги 10-1004/11354-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, «Себзор» жарима майдончасида сақланаётган 2009 йилда и/ч дав.бел. 01 284 ТАА бўлган «Нексия Сонс 150» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 15 624 000 сўм. Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 05.10.2010 йилдаги 15/10-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ майдончасида сақланаётган 2009 йилда и/ч дав.бел. 01 750 САА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 9 944 345 сўм. Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 11.05.2010 йилдаги 2-80/10-сон ижро варақасига асосан «Транс Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган 2006 йилда и/ч дав.бел. 30 S 7508 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 8 655 700 сўм. Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан Ёшлик ХХСК корхонаси омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.14.10.2010 йилдаги 17570-сон ижро ҳужжатига асосан 2009 йилда и/ч дав.бел. 10 L 233 ВА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 16 181 186 сўм. 2.04.10.2010 йилдаги 15145-сон ижро ҳужжатига асосан 1996 йилда и/ч дав.бел. 11 U 7698 бўлган «Газ 330210» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 13 726 026 сўм. 3. 14.10.2010 йилдаги 17571-сон ижро ҳужжатига асосан 1996 йилда и/ч дав.бел. 11 W 4922 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 457 119 сўм. 4. 14.10.2010 йилдаги 17572-сон ижро ҳужжатига асосан 1986 йилда и/ч дав.бел. 11 K 3293 бўлган «КамАЗ» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 32 375 000 сўм. 5. 14.10.2010 йилдаги 17572-сон ижро ҳужжатига асосан 1981 йилда и/ч дав.бел. 10 Z 238 АА бўлган «Зил 133 ГR» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 22 775 000 сўм. 6. 14.10.2010 йилдаги 17572-сон ижро ҳужжатига асосан 1981 йилда и/ч дав. бел. 10 R 639 АА бўлган «КамАЗ 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 32 100 000 сўм. 7. 14.10.2010 йилдаги 17572-сон ижро ҳужжатига асосан 1978 йилда и/ч дав.бел. 11I 2685 бўлган «КамАЗ-5320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 27 215 000 сўм. 8. 14.10.2010 йилдаги 17572-сон ижро ҳужжатига асосан 1990 йилда и/ч дав.бел. 10 А 245 ВА бўлган «КамАЗ 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 35 450 000 сўм. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар, МЧЖ «Сергели ихтисослашган бозори» ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.09.07.2010 йилдаги 1-180/10-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда и/ч дав.бел. 10 BG 228 бўлган «ВАЗ-21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 11 153 721 сўм. 2. 09.07.2010 йилдаги 1-180/10-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда и/ч дав.бел. 10 BG 240 бўлган «Ваз 21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 13 384 462 сўм. 3.09.07.2010 йилдаги 1-180/10-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 227 бўлган «ВАЗ-21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 10 383 442 сўм. 4.09.07.2010 йилдаги 1-180/10-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда и/ч дав.бел. 10 BG 223 бўлган «ВАЗ-21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 9 813 985 сўм. 5.09.07.2010 йилдаги 1-180/10-сон ижро варақасига асосан 2007 йилда и/ч дав.бел. 10 АС 201 бўлган «Такума» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 22 323 135 сўм. 6.09.07.2010 йилдаги 1-180/10-сон ижро варақасига асосан 2007 йилда и/ч дав.бел. 10 AU 704 бўлган «ZB1022BDF-1» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 13 139 892 сўм. 7.09.07.2010 йилдаги 1-180/10-сон ижро варақасига асосан 2007 йилда и/ч дав.бел. 10 AU 706 бўлган «ЦИНЬЦИ» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 12 840 877 сўм. 8.19.05.2010 йилдаги 10-1007/4018-сон варақасига асосан 2001 йилда и/ч дав.бел. 10 АР 585 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 9 701 239 сўм. 9. 19.05.2010 йилдаги 10-1007/4018-сон варақасига асосан 2000 йилда и/ч дав.бел. 10 АР 585 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 9 701 239 сўм.14.10.2010 йилдаги 17571-сон ижро ҳужжатига асосан 2000 йилда и/ч дав. бел. 10 АО 294 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 8 125 942. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 16.08.2010 йилдаги 24134-сон ижро ҳужжат. асосан 2007 йилда и/чиқ. дав.бел. 10 S 291АА бўлган «JAC» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 16 319 521 сўм. 2. 17.08.2009 йилдаги 14485-сон ижро ҳужжат. асосан 2006 йилда и/чиқ. дав. бел. 10 V 1777 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 7 218 553 сўм. Аукцион савдолари 2011 йилнинг 27 январь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 17 февраль куни бўлиб ўтади. 2011 йил 13 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 05.05.2010 йилдаги 4540-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар, Фахрийлар кўчасида жойлашган умумий ер майдони 164,70 кв.м. қурилиш майдони 164,70 кв.м дан иборат бўлган дўкон биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 37 000 000 сўм. Аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда; 1.04.05.2010 йилдаги 650-сон ижро варақ. асосан и/ч.йили номаълум дав.бел. йўқ бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 957 206 сўм, 2.18.03.2010 йилдаги 201-сон ижро варақ. асосан 2002 йилда и/ч. дав.бел. X165PWM, бўлган «ВАЗ-21102» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 10 417 477 сўм, 3.15.01.2009 йилдаги 39-сон ижро варақ. асосан 1995 йилда и/ч. дав.бел. X396ZNM бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 5 330 446 сўм. 4. 24.08.2009 йилдаги 685-сон ижро варақасига асосан 1993 йилда ишлаб чиқ. дав.-бел. А 962 TZM бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 919 226 сўм. 5.24.08.2009 йилдаги 684-сон ижро варақасига асосан ишлаб чиқ.номаълум дав-.бел. номаълум бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 496 770 сўм. 6.24.08.2009 йилдаги 577-сон ижро варақасига асосан 1996 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 918UMM бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 486 809 сўм, 7.24.08.2009 йилдаги 681-сон ижро варақасига асосан 1982 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. H 158 КМ36 бўлган «Opel Kadet» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 337 000 сўм. 8. 24.09.2009 йилдаги 1-219-сон ижро варақасига асосан 1988 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 084 AEN бўлган «Daimler Benz 230» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 6 701 561 сўм. 9.13.01.2010 йилдаги 53-сон ижро варақасига асосан 1995 йилда ишлаб чиқ. дав.-бел. X 622 FNM бўлган «Ваз-21060» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи - 2 597 953 сўм. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 83-уй.
Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: DB 001 000003



*Муваффақиятларимиз давомий бўлсин*

**Тинч-осойишта ҳаёт кечиришимизда маҳалланинг ўрни катта. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органи мақоми остида фаолият юритаётган маҳаллаларимиз аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, маданий манфаатларини таъминлаш борасида кўлами кенг ишларни амалга ошириб келаётгани барчамизга яхши маълум.**

## Маҳалла

# ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК МАСКАНИ

Айниқса Баркамол авлод йилида ёшлар тарбиясида, жумладан уларни касб-ҳунарга йўналтиришда маҳалла асосий кўмакчи бўлиб, бу борада жойларда ўтказилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Фикримизни «Ҳадра» маҳалласи мисолида давом эттирадиган бўлсак, бу ерда турли миллатга мансуб саккиз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қўни-қўшничилик муносабатлари мустаҳкам бўлиб, чор-атрофнинг озодалигига катта эътибор қаратилади. Бунда Маҳмуда Тиллабекова, Дилором Мусаева каби маҳалла фаолларининг иштирокини алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир.

— Маҳалламиз иштирокида бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб келинади ва уларга аҳолини кенгроқ жалб этишга ҳаракат қиламиз, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Қаюмов. — Ҳудудимизда асосан кўп қаватли уйлар бўлиб, бу йил учта болалар майдончасини қурдик, уйлар йўлаклари таъмирдан чиқарилди. Дарҳақиқат, ёшларимиз тарбиясига алоҳида эътибор қаратамиз. Жорий йил давомида нохуш ҳодисалар содир этилмаганини саъй-ҳаракатларимиз самараси деб биламан.

Яқинда маҳалламиз билан ҳамкорликда Республика байналмилал маданият маркази ва «Маҳалла» жамғармаси Шайхонтоҳур тумани томонидан Тошкент матбаа касб-ҳунар коллежида «Миллатларни жипслаштирувчи куч» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда тинчлик-осойишталикни таъминлаш йўлида маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Учрашув сўнгида Республика байналмилал маданият маркази ҳаваскорлари ҳамда маҳалла ҳудудидаги 84-мактабгача таълим муассасаси қошидаги «Сўзана» гуруҳининг мусиқий чиқишлари барчага хуш кайфият улашди.

**Муқима АБДУЛЛАЕВА**
**Шоира ИСМОИЛОВА,**
**«Ҳадра» маҳалласи фаоллари**

## Спорт янгиликлари

# ЧЕМПИОНАТГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Маълумки, келгуси йилнинг январь ойида Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионати ўтказилади.**

Ушбу нуфузли турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси Тунисда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб, тўртта ўртоқлик учрашувида майдонга тушганлигидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

Тунис сафаридан қайтиб, маълум муддат Тошкентда ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этган терма жамоамиз сўнгги тайёргарлик босқичини ўтказиш учун БААга жўнаб кетди.

# ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

**Ўзбекистон футбол федерациясида келгуси йили профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштириладиган XX миллий чемпионатнинг биринчи давра учрашувларига қуръа ташланди.**

Унга кўра, келгуси йилда ҳам профессионал футбол лигасида 14 та жамоа иштирок этади. Биринчи давранинг дастлабки тури 5-6 март кунлари бўлиб ўтади. Демак, биринчи турда «Олмалиқ» — «Нефтчи», «Навбаҳор» — «Металлург», «Пахтакор» — «Қизилқум», «Насаф» — «Андижон», «Сўғдиёна» — Динамо», «Бухоро» — «Шўртан», «Машъал» — «Бунёдкор» жамоалари майдонга тушади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## «02»

**Агар киши бир марта хато қилса, унинг жабрини албатта тортади ва бундан тегишли хулоса чиқаришга ҳаракат қилади. Бироқ боши деворга тегса ҳам, ақлини йиғиб олмайдиганлар ҳам йўқ эмас.**

# ҚИЛМИШ УЧУН ЖАЗО МУҚАРРАР

Сергели туманида яшовчи М.Баҳодир олдин ҳам икки бора судланган ва тегишли жазосини олган бўлса-да, ақлини йиғмаган кўринади. Яқинда у ҳеч қаерда ишламайдиган В.Комил исмли ошнасиникида меҳмонда бўлиб, бироз ўтгач, шу орадаги қаҳвахонага бирга чиқишади ва «қиттай-қиттай»ни давом эттиришади. Уларнинг кайфлари оша борган сайин гап-сўзлари ҳам қаттиқроқ чиқа бошлади. Қайсидир масалада фикри бир ердан чиқмаган ошналарнинг тортишуви аввал даҳанаки жангга, кейин эса ростакам ёқалашишга айланади. Ошхона ходимларининг уларни ажратиш учун қилган ҳаракатлари наф бермади. Баҳодир столдан ошхона пичоғини олиб, шеригига ташланади ва унинг елкасини жиддий жароҳатлайди. Энди у оқибатини ўйламай қилган иши учун жавоб бериб, тергов олдида бош эгиб ўтирибди.

**Юлдуз АШИРОВА,**
**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати ходими, майор**

**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Яккасарой тумани бўлими томонидан спартакиадалар, дўстона мусобақалар, спорт усталари билан учрашувлар мунтазам ўтказиб келинади.**

# БЎЛАЖАК КОНСТРУКТОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Чилонзор» спорт мажмуасида ўқувчилар ижодиёт маркази ва техника мактабида таҳсил олаётган ўсмирлар ўртасида авиамоделизм бўйича мусобақа ташкил этилди. Беллашувда 30 дан зиёд ўқувчи ўз қўли билан ясаган авиамоделлари билан қатнашиб, маҳоратини намойиш этди.

Мусобақага старт берилиши олдидан «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими раиси А. Убайдуллаев сўз олиб, ёшларнинг келажакда жисмонан соғлом ва маънан етук, юртига садоқатли бўлиб вояга етиши йўлида давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилаётгани, якунига етиб бораётган Баркамол авлод йилида амалга оширилган кўплаб хайрли ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Бевосита мусобақа натижаларига келсак, 50-ва 101-мактаб ўқувчилари Александр Шабанов ва Виталий Порфиненко ғолиб деб топилиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**



# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

***МАРДЛИК, ИНСОНИЙЛИК ВА САХИЙЛИК ҲАҚИДА***

**Кенг бўлсанг — кам бўлмайсан.**

**Кенгга — кенг дунё,**
**Торга — тор дунё.**

**Кенг — кенгашиб йиртилар,**
**Тор — тортишиб йиртилар.**

**Кўнгли очиқнинг қўли очиқ,**
**Қўли очиқнинг йўли очиқ.**

**Мард бир сўзлайди,**
**Номард минг сўзлайди.**

**Мард — бир ўлар,**
**Номард — юз ўлар.**

**Мард йўлида ғов қолмас.**

**Мард киши сафарда билинар.**

**Нолиш билан иш битмас,**
**Мард номардга тиз чўкмас.**

**Номардга иши тушмаган**
**Марднинг қадрини билмас.**

**Тенглик — кенглик.**

**Эр йигит бошига иш**
**тушганда синалар.**

**Эр йигитга икки номус — бир ўлим.**

**Эрнинг сўзи битта.**

**Ўз айбини билган — мард.**

**Ўлдирса ҳам мард ўлдирсин!**

**Ҳиммат беҳикмат қолмас.**

***БОТИРЛИК ҲАҚИДА***

**Битмас ишнинг бошига,**
**Ботир келар қошига.**

**Ботир топса, барча ер,**
**Бахил топса, босиб ер.**

**Ёв қочса ботир кўпаяр.**

**Ё чангинг чиқсин,**
**Ё доғинг чиқсин!**

**(Давоми бор)**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**АВТОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

*«ЎЗАВТОТЕХХИЗМАТ» ОАБ «Роҳат» автосалони томонидан «GM UZBEKISTAN» корхонасида ишлаб чиқарилган автомобиллар республикамиз аҳолисига нақд пулга сотилиши давом этмоқда.*

**Манзилимиз: Тошкент ш., Олмалиқ ҳалқаси, 1.**
**Мурожаат учун телефон: 129-10-09**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1. Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 17.11.2010 йилдаги №10-1008/15892-сонли ижро ҳужжатига асосан Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 22-уй манзилида жойлашган, "Кимёреактив" МЧЖга тегишли, умумий майдони 1047 кв.м. бўлган жами бўлиб 9 та бинодан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 750 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 25 январь куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

**2. Шунингдек 2011 йил 11 январь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Учтепа тумани СИБ томонидан:** Учтепа тумани, Ҳалқа йўли кўчаси, 20-уйда сақланаётган 20.04.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан хатланган "Камаз-5320" русумли, д/р 10AR388 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 559 838 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

**ҲУРМАТЛИ ЮК ЖЎНАТУВЧИ ВА ЮК ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ТАДБИРКОРЛАР!**

*Келажакда темир йўлларда ташишлар ҳажмини ва самарадорлигини ошириш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК республиканинг барча вилоятлари ва минтақавий темир йўл узелларида маҳаллий тадбиркорлар, вазирлик ва ҳокимият вакиллари билан учрашувлар ташкиллаштиради.*

**1. 21.12.2010 й. Самарқанд ва Жиззах вилояти. Соат 11.00. Манзил: Самарқанд шаҳри, МТУ мажлислар зали.**

**2. 22.12.2010 й. Бухоро ва Навоий вилояти. Соат 10.00. Манзил: Бухоро темирйўлчилар саройи.**

**3. 23.12.2010 й. Қашқадарё вилояти. Соат 10.00. Манзил: Қарши шаҳри, Қарши МТУнинг мажлислар зали.**

**4. 24.12.2010 й. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти. Соат 11.00. Манзил: Марказий темирйўлчилар маданият саройи.**

**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК Ахборот хизмати.**
**Тел: 237-92-86**





*23 декабрь куни Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи — 7-9 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ-2 даража илиқ, кундузи — 7-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 23 декабрь куни эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоизга кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*


**«HUQUQIY MUHIT»** адвокатлик бюроси тугатилди. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ойгача қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 28-уй.
ИНН: 205820814, тел: 256-37-43


Газетанинг навбатдаги сони 24 декабрда чиқади.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2592 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

12345

Буюртма Г- 1106

Топширилган вақти: 16.10